PRUNUS PERSICA (L.) BATSCH. БАРГИНИ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ТАЪСИРИ

Абдурасулиева Г.М. [1]
Фарманова Н.Т.[2]
Бердимбетова Г.Е. [1]
[1]Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти.
gulshadabdurasulieva@gmail.com;
тел.: +998911641292
[2]Тошкент фармацевтика институти
https://doi.org/10.5281/zenodo.14180215

Маълумки, шифобахш ўсимликлар таркибида инсон организми зарур бўлган биологик фаол моддалар мавжуд. Prunus persica (L.) Batsch. шундай шифобахш ўсимликлар қаторига кириб, унинг таркибида флавоноидлар, аминокислоталар, макро- ва микро элементлар ва витамин В гуруҳи борлиги аниқланган. Оддий шафтоли барги организмнинг тонусини оширувчи ва яллиғланишга қарши таъсирларга эга эканлиги адабиёт манбаларида келтирилган.

Лекин ҳозирги вақтда Орол денгизи минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида ўстирилган Prunus persica (L.) Batsch. баргларининг кимёвий таркиби ва биологик таъсирлари ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси (ҚРШБ) ва адабиёт манбаларида келтирилган Краснодар ўлкасидаги (КЎШБ) ўсадиган оддий шафтоли барглари экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсирларининг солиштириш таҳлили.

Тадқиқот усул ва услублари. Оддий шафтоли барглари 2022-йилнинг Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида август ойида йиғилди ва стандарт ҳолатига келтирилди ҳамда лаборатория шароитида 70% спирт ёрдамида қуруқ экстракт тайёрланди. Қуруқ экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсири 24 та оқ сичқонда «формалинли яллиғланиш» усули ёрдамида “RANO” МЧЖ да ишлаб чиқарилган «Шалфей» (саше-пакети) билан солиштирилди. Краснодор ўлкасидаги (КЎШБ) ўсадиган Prunus persica (L.) Batsch барглари экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсирига оид изланиш натижалари адабиётда келтирилган маълумотлардан олинди.

Натижа. Таҳлил натижасида Қорақалпоғистон Республикаси (ҚРШБ) қуруқ экстрактининг ўрганилган дозасида сезиларли яллиғланишга қарши фаолликка эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (ҚРШБ) ўсадиган Prunus persica (L.) Batsch. ва адабиётларда келтирилган Краснодор ўлкасидаги (КЎШБ) ўсадиган Prunus persica (L.) Batsch баргларининг экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсирлари солиштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси (ҚРШБ) ва Краснодар ўлкасидаги (КЎШБ) ўсадиган оддий шафтоли барглари экстрактларининг яллиғланишга қарши таъсири

Тайёрланган жойи	3 соатдан кейин панжа ҳажмининг ошиши, %		3 соатдан кейин таъсири, %
ҚРШБ	қуруқ экстракт	1,25±0,08 p<0,05	47

	“Шалфей”	1,18±0,054	51
	назорат	1,53 ±0,08	-
КЎШБ (адабиёт манбаларида келтирилган маълумотлар)	қуюқ экстракт	38,7±5,87 p<0,05	41,45

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси шафтоли барглари қуруқ экстрактининг 3 соатдан кейин яллиғланган оёқнинг шишини назорат билан солиштирганда, яллиғланишни 47% га сезиларли даражада камайтирди. «Шалфей» препарати эса яллиғланишга қарши фаоллиги 51% ни ташкил этди. Краснодор ўлкасидаги (КЎШБ) ўсадиган оддий шафтоли барглари экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсири эса 41,45% ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Хулоса. Илк бора Қорақалпоғистон Республикасида Prunus persica (L.) Batsch барглари қуруқ экстрактининг яллиғланишга қарши таъсири аниқланди. Қорақалпоғистон Республикаси шафтоли барги қуруқ экстракти ва Краснодар ўлкаси (РФ) қуюқ экстракти яллиғланишга қарши таъсирлари солиштирилганда, Қорақалпоғистон Республикаси шафтоли барги қуруқ экстракти самаралироқ таъсирга эга эканлиги аниқланди.

References:

1. Иванцова Л.В., Белоногова В.Д., Гилева А.А. Определение флавоноидов в листьях персика обыкновенного: валидация методики// Фармация. 2018. -Том 67, № 7. -С. 27-31.
2. Иванцова Л.В., Белоногова В.Д., Молохова Е.И. Фармакогностическое исследование стандартизация персика обыкновенного листьев и разработка экстракта густого на его основе//Диссертация на соискание ученой степени кандитата фармацевтических наук.-Пермь, 2020.-С.27-65.
3. 3.Водорастворимые витамины листьев и сухога экстракта листьев персика обыкновенного (Persica vulgaris Mill.) Универсум: Химия и Биология-Москва, 2024.- №5. (119) Часть I -С.48-52.
4. Lenchyk L.V. The study of the amino acid composition of the extracts obtained from cherry leaves and shoots, leaves of apricot and peach//News of pharmacy. 2(86)2016.-P.9-10.